



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

## Йўлларимиз нурли, оқтобди

Хар бир янги йилни мамлакатимиз таракқиёти йўналишларидан келиб чиқиб янгича номлаш юртимизда хайрли анъаналардан бирига айланиб қолади. Бинобарин, бу жараён истиқлол йилларида изчил амалга ошириб келинаётган кенг қўламли ислохотларнинг узвий давоми сифатида миллий таракқиёт, Ватан ободлиги, халқ фаровонлиги, авлодларимиз соғломлиги ва баркамоллигида ниҳоятда катта аҳамият касб этмоқда.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳам мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб соғлом она — соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларига айлангани, кенг қўламли умуммиллий дастурлар доирасида амалга оширилаётган улкан ишларимиз жаҳон миқёсида тан олинаётганини таъкидлаб, ҳар томонлама соғлом авлодни

воёга етказиш борасидаги изларимизни изчил давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида кириб келаётган янги 2014 йилни мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилди.

Оқтоб — тириклик манбаи, барча мав-

### Ватан обод — кўнгли обод

жудотга қувват ва ҳаракат берадиган буюк мўъжиза. Оқтобга эргашганларнинг йўлида ҳам, қалбида ҳам нур ва эзгулик бўлади. Эзгулик эса инсон ҳаётининг маъносини белгилайдиган, унинг барча яхши ва савоб ишларига асос бўладиган энг улуг фазилатлардан бири. Бу фазилат азал-азалдан бизнинг халқимиз учун хос бўлиб келган, миллий қадрият даражасига кўтарилган.

Шунинг учун ҳам Ватанимизнинг бош майдони бўлган Мустақиллик майдонида барпо этилган муаззам обидалар «Мустақиллик ва эзгулик мажмуаси», «Эзгулик аркаси» деган номлар билан аталади.



Бағри кенг ўзбекининг ўчмас нийони, Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот! Истиқлол машъали, тинчлик посбони, Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод! Шундай юксак туйғулар борки, дини, миллати ва дунёқарашидан қатъий назар, ҳар бир инсонда фахр-ифтихор ҳиссини уйғотади. Хар сафар мустақил мамлакатимиз мадҳиясини тинглаганда ҳам қалбимизда ана шундай туйғулар жўш уради. Зеро, мадҳия — бу давлатнинг оддий бир рамзи эмас. Унинг улғувор оҳанглари замирида халқимизнинг ўтмиши, урф-ода-ту анъналари, бебаҳо қадриятлари акс этган. Шу туйғули давлат мадҳияси жарангласа, ҳаммамиз уни тик туриб, ўнг қўлимизни юрагимиз устига қўйиб аши-тамин, сўзларига жўр бўлаемиз, ҳатто, унинг «Серкўёш» деган биринчи сўзи янграй бошлаши билан вужудимизда Ватан туйғуси жўш уради, қалбимиз гурурга тўлади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ ана шу муҳим сиёсий жараёнга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки қисқа фурсатда ўз мустақиллигини қонун билан мустаҳкамлаб, унинг жаҳон ҳамжамиятида тан олинашига эришиш оламшумул воқеа эди. Бир қатор ёш мустақил мамлакатларда турли сиёсий қарашлар жазавага келиб, фикрлар чуваллашиб, «қалаванинг учи топилмай қолган» бир пайтда Ўзбекистон ўзининг истиқболига қатъий ишонч билан қаради, шунинг учун ҳам, энг аввало, давлат рамзларини қабул қилиш йўлидан борди. Шу маънода давлат мадҳиясининг қабул қилиниши жамиятимиз ҳаётидаги муҳим ҳодисага айланганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Албатта, бу жараёнда барча ижодкорлар фаоллик кўрсатишган. Бунда, айниқса, машҳур композиторимиз Мутал Бурхоновнинг ҳиссаси жуда катта бўлди. Бугун мадҳиямиз

ий ишонч билан қаради, шунинг учун ҳам, энг аввало, давлат рамзларини қабул қилиш йўлидан борди. Шу маънода давлат мадҳиясининг қабул қилиниши жамиятимиз ҳаётидаги муҳим ҳодисага айланганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Албатта, бу жараёнда барча ижодкорлар фаоллик кўрсатишган. Бунда, айниқса, машҳур композиторимиз Мутал Бурхоновнинг ҳиссаси жуда катта бўлди. Бугун мадҳиямиз

## Мадҳиямиз — Фахримиз!

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий Мажлис қонунчилик палатаси, Ўзбекистон уюшмаси ҳамкорлигида Ўзбекистон давлат консерваториясида ўтказилган "Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот" мавзусидаги ижодий учрашув кўлаб ёшларни жамлагани бежиз эмас. Конституциямизнинг йигирма бир йиллигига ҳамроҳан тарзда ўтказилган ушбу тадбир 10 декабр — мамлакатимиз мадҳияси қабул қилинган кун муносабати билан ташкил этилди. Тадбирнинг очилиш маросимини мамлакатимиз мадҳияси ёш ижодкорлардан тўзилган хор томонидан ижро этилишида ҳам рамзий маъно бор. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги М.Ҳошимов таъкидлаганидек, давлат мадҳияси мамлакатимиз, мустақиллигимизнинг тимсоли ҳисобланиб, барча соҳаларда беқийс аҳамият касб этади. Унинг ҳар бир сатри киши қалбига юртга муҳаббат, аждодлар руҳига ҳурмат туйғусини уйғотади. Айниқса, юртга қанот бўлаётган ёш авлодлар маданият, санъат ва спорт орқали мустақил давлатимизни дунёга танитишга муносиб ҳисса қўшаётганлари қалбимизда фахр бағишлайди. Жумладан, бу йил мусиқа ва санъат соҳасидаги халқаро танловларда иштирок этган бир юз эллик нафар ёш ижодкорнинг юздан омиги голибликни қўлга киритган бўлса, спортчиларимиз опти юздан ортик медалларнинг соҳиби бўлиб, бутун дунёга мадҳиямиз жарангини таратдилар.

оҳанглари тинглаб бутун бир авлод камол топмоқда. Келажакда ҳам мамлакатимиз мадҳияси Ўзбекистон фуқаролари юксак мақсадларга эришишда куч ва илҳом бағишлагани шубҳа йўқ. Тадбирда таъкидлаганидек, давлат рамзлари — миллий суверенитетимизни, халқимизнинг мустақил, ўз тараққиёт йўлига эга эканлигини билдирадиган муқаддас тимсоллардан биридир. Уларни ҳаётимизнинг муҳим бир бўлаги деб билиш, кўз қорачиқидек асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимизга айланиши лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисидаги қонунда белгиланганидек, давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурда ижро этилганда, ҳар бир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб ва ўнг қўл кафтини кўкракнинг чап томонига қўйиб, ҳарбий ёки давлатнинг бошқа ҳизматидаги махсус кийимдаги шахслар эса қўлини бош кийимига қўйиб тинглайди. Агар Ўзбекистон давлат мадҳиясининг ижро этилиши байроғимизнинг кўтарилиши билан биргаликда амалга оширилса, иштирокчилар унга юзини қаратиб туришлари лозим. Спорт майдонларида миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ҳамда халқаро спорт мусобақаларининг голибларини мукофотлаш маросимларини ўтказиш вақтида ҳам мадҳия доимо ижро этилиши лозим. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги барча таълим муассасалари раҳбарлари, халқаро санъат фестиваллари, спорт мусобақалари голиб ва совриндорлари иштирок этган тадбир сўнггида санъат соҳасида юқори натижаларга эришиб келаётган истеъдодли ёшлар иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

Уз мухбиримиз.

Истиқлол йилларида халқимиз қалбидаги эзгуликка эзгулик қўшилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар туйғули унинг нафақат ҳаёт тарзи, балки онгу тафаккури ҳам юксалиб бормоқда. Одамлар орасида юрсангиз ажойиб гапларни эшитасиз. Чиноз туманида бир отахон ўғил эвара кўрибди. Фарзандлари «Шу митти эварангизга чиройли исм қўйиб берсангиз, ота», деб илтимос қилишибди. Отахон кўп ўйлаб ўтирмасдан «Юртимиз обод бўлса, кўнглимиз обод бўлса, шундай обод замонда тўғилган боланинг исми Ободжон бўлади», деб жавоб берибди. Дарҳақиқат, овоз юртимиз фарзандларига ярашадиган исм бу. Шу ўринда Мустақиллик байрами арафасида ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа беихтиёр ҳаёлимдан ўтади. Байрам олдида, барча жойда бўлгани каби, бизнинг маҳалламизда ҳам оммавий ҳашар бўлди: йўллар, йўлаклар, дарахтар, ариқлар тартибга келтирилди. Эътиборли томони шундаки, маҳалламиз оқсоқоли ҳашар олдида одамларга мурожаат қилиб, бундай деди: «Ободлик кўнглидан бошланади, деган гап бор. Юринлар, аввал маҳалламиздаги бир-икки кекса отахон ва онахонларимиздан ҳол-аҳвол сўраб, кўнгиллари оқиб қилиб чиқайлик, кейин ҳашарни бошлаймиз».

Давоми иккинчи саҳифада.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, «Соғлом бола йили» давлат дастурини ишлаб чиқишда биринчи навбатда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оналарда соғлом муҳитни қучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар эътиборимиз марказига қўйилиши зарур».

## Келажакимиз пойдевори

Маърузада айниқса, соғлом бола-ни воёга етказишда таълим тарбия ва спортнинг таъсири янада кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Қуни кеча ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда Маданият ва спорт ишлари вазирлигида бошқарма бошлиқлари, тизимдаги барча таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида анжуман ўтказилди.

Тадбирда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги М.Ҳошимов сўзга чиқиб, мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясига қаратилган чора-тадбирлар тизими мунтазам тақомиллаштириб борилаётганини таъкидлади. Хусусан, «Обод турмуш йили» давлат дастури доирасида мамлакатимизда 756 та таълим маскани, мусиқа ва санъат мактаблари, болалар спорт объектлари қурилди, реконструкция қилинди ва капитал таъмирдан чиқарилди. Замонавий компютер синфлари, ўқув лабораториялари, устaxonлар ташкил этилиб, зарур асбоб-ускуналар билан таъминланиши ёш авлод учун жаҳон илм фани ва маданияти ютуқлари билан кенг танишишга имкон яратди.

Президентимиз «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» асарига ёш ижодкорлар билан ишлаш масаласига алоҳида урғу бериб, улар орасидан «Истеъдодли ёшларни назаб топиш ва уларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришда чуқур ўйланган усуллар, яъни аниқ механизм зарурлигини бутун адабиётимиз манфаатлари талаб» этаётганини алоҳида таъкидлаган.

Ёшларнинг истеъдодини аниқлаш, иқтидорини рўёбга чиқаришнинг сигналган усуллари билан, шубҳасиз, адабий тўғараклар ташкил этиш ва фаолиятини аниқ мақсад сари йўналтиришдан иборатдир.

Юртбошимиз томонидан Ўзбекистон уюшмаси олдида қўйилган бу вазифаларни баҳариш мақсадида Фарғона вилояти бўлими (масъул котиби Э.Сиддиқова) амалий ишга киришди. Вилоят ҳокимининг «Ўзбекистон Ўзбекистон уюшмаси виллоят бўлими фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги махсус қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра бўлим



Навий шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Дилафруз Раҳматуллаева. С.АСЛОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

## СОҒЛОМ БОЛА

Боғимдаги гулим дейди, лолам дейди, Қизалоғин эркалатиб онам дейди, Ўғилчасини гурурланиб отам дейди, Ўзбек фақат болам дейди, болам дейди. Тингланг она дардин, аёл қўшигини, Алла айтиб тебратади бешинини, Келажакка очар ҳаёт эшинини, Ўзбек фақат болам дейди, болам дейди. Онадан ор этгани ким одам дейди, Болани хор этгани ким одам дейди,

Меҳрга зор этгани ким одам дейди, Ўзбек фақат болам дейди, болам дейди. Эсли-хўшли болам, мўмин қобил болам, Истеъдодли болам, илми қомил болам, Полвон болам, эл юкига ҳомил болам, Ўзбек фақат болам дейди, болам дейди. Ота-онанг пайвандисан, соғлом болам, Паҳлавон эл фарзандисан, соғлом болам, Қудратли юрт дилбандисан, соғлом болам, Ўзбек фақат болам дейди, болам дейди. Рустам МУСУРМОН

## Бадий таржимадан асосий мақсад халқлар ва миллатлар ўртасида адабий алоқаларни ўрнатиб оқсоқоли маданиятлараро кўприк вазирасини ўташдир.

Бирок баъзида таржимоннинг маъсулиятининг оқсоқоли таржима қилинган асар кўпобхонлар эътирофига эмас, танқидига ҳам сазовор бўлиши мумкин. Атоқли таржимон ва адабиётшунос олим Иброҳим Гафуров таъбирича, шонр ҳаваскор бўлиши мумкин, аммо таржимонни ҳаваскор деб бўлмайди. Сабаби таржимоннинг хато қилишига ҳаққа йўқ.

Вазир оқсоқоли

## АСЛИЯТ МАЗМУНИ

Агар таржима юзаси чиқса нафақат мутаржимнинг, балки асар муаллифининг меҳнати ҳам муносиб баҳоланмайди. Натижада унинг ижодидаги қизиқлиқ сусаяди.

тезроқ ўз асарларини хорижий тилларга таржима қилдириб, чет эллик адабиёт мухлислари эътиборига тушишга, турли шеърят ҳафталикларидики сусаяди.

Кейинги йилларда бадий таржима соҳасида жиддий ўсиш-ўзгаришлар бўй кўрсатди. Чунончи, чет эл адабиёти намуналарини аслиятдан ўгириш билан бирга ўзбек ижодкорлари асарларини хорижий тилларга ағдаришга ҳаракатлар бир қадар жонланди. Таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз томонидан 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор бадий таржима ривожини унчун ҳам айнаи мудида бўлди.

Бугунги адабий шароити кузатганда ижодкорлар орасида имкон қадар

Дилфуза ҚАРШИБОВЕВА

## ИЖОД БУЛОҒИ

ҳузурда «Ижод» фонди ташкил этилди, уюшма фаолиятини янада яхшилаш учун зарур техника ҳамда транспорт воситалари, айланма маблағларини шакллантириш мақсадида ўн миллион сўм ажратилди. Шунингдек, қарорда Президентимизнинг «Айниқса, виллоятларда бу ишни алоҳида кўриб чиқиш ва назоратга олиш керак», деган фикридан келиб чиқиб, Ўзбекистон уюшмаси виллоят бўлими зиммасига «бир ой муддатда ва доимий равишда ёш ис-

теъдодлар томонидан «Муаллифнинг биринчи китоби» сифатида тақдим этилган ижод намуналарини нашр этишга тайёрлаш, тегишли маъсуллар билан биргаликда виллоятда фаолият кўрсатаётган ёш ижодкорлар тўғараклари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини ошириш бўйича зарурий тадбирлар белгилаш» вазифаси юклатилди. Қарор ижроси бўйича виллоятнинг туман ва шаҳарларида ташкил этилган тўғаракларга истеъдодли ва тажрибали ижодкорлар раҳбар этиб тайинланди, уларга маълум миқдорда маош белгиланди. Бундай ғамхўрлик тез орада ўз самарасини бера бошлади. Ҳозир виллоятдаги ўн бешга яқин тўғаракда қатнашаётган ёш қаламкашларнинг сони минг нафардан зиёд.

Давоми учинчи саҳифада.









Бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан, тирик жон, тинмас жон, гоҳида безовта, гоҳида беармон экан.

Бурунгими, бугунгими, ёлғонми ё чинми, эртами индинми, кундузми ё тунми, айтганда фарқи йўқ, ширинми ё шўртқак, ахир бу кичкина бир эртақ. Бўрилар баковул, лочинлар қоровул, тулкилар ясовул замонда, баланд тоғ томонда, роса пўрим, юриш-туриши олифта, оға тулки, тоға тулки йигирмани урган, айшини сурган, макр отига минган, ўзи хон, кўланкиси майдон тулки, таваллуд макони Туя тош, сойга эна олмаган қўятшо — Тешиктош устида, Бешиктош атрофида яшаб, турган жойи экан. Уртада тош қўрган, бош қўрган, бўйлашгани осмон, сўйлашгани осмон, бориши сўқмоқ, келиши сўқмоқ, ўнгга тушиб чиқмоқ, тош

тешикка бош сўқмоқ, азизлар пойу қадам изини ўпиб, ўзи йўл берса, кенгу мўл берса, қисилмай ўтган одам, ўша дам ўзини бегуноҳ санаб, чапак чалиб турган экан.

## ТЕШИКТОШ ТУЛКИСИ

Форишлик Собир бобонинг эртаги

Буниси қизик-да, ҳисоби бузуқ-да. Баъзи бир беимон, йўл сарсон, ҳардам хаёл, келиб малол, тўппа-тўғри йўл туриб, эгрига юз буриб, қинғир қилиқ бўлиб, савобидан кўра зардоби кўп бўлса, албатта, ўз оёғи билан, эгри таёғи билан келиб, қопқонга тушиб, инқиллаб-синқиллаб тешикка қисилиб қолса

қўйвор, қўйвор, деб атаса ҳам сугуриб олмаса, чиқиб кетмоғи гумон экан.

Айниқса, баҳорда ё ёзда, кузда мўъжиза Тешиктош қошида, қимирлайдиган Бешиктош қошида турфа одам,

ёшу қари, истаганнинг бари, афишага анқайган энқидай, турна қатор тизилиб, гоҳида навбати бузилиб, айланма тош йўлакдан юриб, баъзида хаёл суриб, Тешиктошга кирсамми, ё секин кўнни урсамми, деб турган жойи экан. Қизил хўроз, курка-индюк сўйсам майли, енгилликка товун, қони туфайли. Қозон осган қанча, ўз қурбонлиги гўштира мўри-малах каби таппа босган қанча? Бизнинг бобо тулки, ҳеч кимга бўлмаб-ин кулги, кун бўйи тош ковагида пусиб ётиб, думини орқасига қисиб ётиб, кўз юммайин кузатиб, гўл анойи, содда-савдойи одамлардан кулиб, кулгандай бўлиб, парранда гўшт ҳидига димоғи тўлиб, кеч бўлишини ўйлаб, ўзича бир эртақ сўйлаб, бошини тошга қўйиб ётган жойи экан. Тун яхши-да, одамлар кетар, уй-уйига, тепа-тўйига етар, мақтаниб кўяр:

— Хотин эшит, танангда пишит, менинг зарра гуноҳим йўқ. Тешиктошдан ўтдим қисилмай, оқ кўзини сўйиб келдим, оқ шўрвага тўйиб келдим. Берган Худога ёқипти. Келаси йил баҳорда, эрта саҳарда тайёр бўлиб турсанг, сени ҳам олиб бораман...

Бобо тулки тунни кутиб, сўлагини ичига ютиб, айланар, шайланар кули совимаган ўчоқ бошида. Бунчалар мазали устихон, мўл-кўл дастурхон,

қарсиллатиб қақиб есанг, оҳ-оҳ дейсан хўроз пойчасин. Шарт эмас катакка кирмоқ, итлар ғазабига рўбарў турмоқ. Агар думинг бўлмаса нақ бўғзиндан олар, қоровул итлар, ясовул итлар. Аммо тулки полвон тилларда дoston, неча-неча овчини, момик терига хуштор оловчининг қопқонини чалғитиб, тузлатиб кетган. Югурик тоза итларга чап бериб, думини буриб, панд бериб кетган. Қутулмоқ яхшими, тутулмоқ? У хар сафар, безарар, битта юнги ҳам тўқилмай тозидан ё қопқондан қутулиб кетганида тош айвонда ётиб, қаймоқи хаёлга ботиб, у ёққа, бу ёққа қараб, тили билан тангайини тараб, ўзини арслону шерга менгазб, жисмини мақтов-елвизак билан безаб, энди қақира бошлаган хўроздай бўйинини чўзиб гердайганини кўринг.

Мақтанма ғоз, хунаринг оз, балиқ бўғзидан, одам озгидан. Иттифоқ бобо тулки, бебахту бебахту тулки, анчайин ёшулли, пахмоқ тўнли бўлсам, кўпни кўрган, ибратдан сабоқ терган бобо мерганинг "Аэроил" қопқонига тушди. Оқибат ночорлиги билинди. Ўзини у ёққа урди, бу ёққа урди, ёманам пушаймон бўлиб турди. Алиф қаддини букиб, кўздан ёш тўкиб, бир сўз деб турган жойи экан;

— Эҳ аттанг, каллаварам! Манови кўз эмас, без. Сўқир, кир ўрадай чуқур, пўстакка йиртиқ, каллага тиртиқ. Манов дум эмас, супурги чўлтоқ. Каламуш думига ўртоқ. Манови оёқ эмас — эгри таёқ, ўларман чатоқ, шалпайган бўтоқ, энагар чўлтоқ. Манови бош эмас, идиш қовоқ, вой-вой жоним, бўғзимга келди... Сўнги пушаймон — ўзингга душман!...

Ҳозир РАҲМОН

Чироқчи тумани.



Абдували МҮМИНОВ. «Зангори кўл».

## “РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ЛУҒАТ”

Ўзбекистонда шу кунгача турли ҳажмдаги, турли мақсад ва йўналишдаги кўплаб икки жилдлик лугатлар нашр этилган. Буларнинг ичидан 1983—1984 йилларда чиққан икки жилдлик “Русча-Ўзбекча луғат” ўз даврида мукамаллиги билан китобхонлар эътиборига сазовар бўлган. Айни чоғда орадан 30 йилдан зиёд вақт ўтиб, ижтимоий ҳаёт, фан-техника, ишлаб чиқариш, маданият ва санъат соҳаларида шундай ўзгаришлар, янгиликлар содир бўлдики, бу ҳол дунё халқлари тилларининг, жумладан ўзбек ва рус тилларининг ҳам замон янгиликларини ўзида акс эттириб, узлуксиз бойиб, янгиликлар билан тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти мавжуд эҳтиёжларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидagi Тил ва адабиёт институти билан ҳамкорликда икки жилдлик “Русча-Ўзбекча луғат”нинг янги нашрини босмадан чиқарди. Мазкур луғат Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “Уқувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйида 5000 нусхада чоп

этилиб, сотувга чиқарилди.

Луғатнинг I жилдидаги “Сўзбоши”да қайд этилганидек, ушбу нашрда шўро мафқураси нуктаи назаридан бир томонлама, ноҳолис изоҳланган бир қанча сўзлар, хусусан, ижтимоий-сиёсий, диний-фалсафий, тарихий, иқтисодий терминлар энг сўнги манбаларга таянган, уларга қиёсланган ҳолда қайтадан ҳолисона изоҳланган. Луғатга сўнги йилларда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда пайдо бўлган янги тушунчаларни номловчи, рус тили луғатларидан барқарор ўрин олган тил бирликлари киритилди, шунингдек, мавжуд сўз ва терминлар янги маънолар билан бойитилди. Ҳозирги ўзбек тилида аниқ муқобили бўла туриб ўринсиз қўлланиб келаётган бир қатор русча ва байналмилал сўзлар мамлакатимизда ҳозирги тил сиёсати талаблари ва тил амалиётинан келиб чиққан ҳолда ўзбек тилида аввалдан мавжуд бўлган тегишли тил бир-

ликлари билан алмаштирилди. Ҳозирги имло амалиётинан келиб чиққан ҳолда айрим сўзларнинг ёзилишига аниқликлар киритилди.

Янги нашрда катта миқдорий ўзгаришлар амалга оширилди: янгидан 3460 та луғат мақоласи ҳамда 4000 дан ортиқ иллюстратив мисол киритилди. Бундан ташқари, мавжуд сўзларнинг 1066 та янги маъноси қайд этилди, 1070 та сўз янгидан изоҳланди, 7000 га яқин луғат мақоласи жиддий таҳрир қилинди; шунингдек, иллюстратив мисоллар ҳам аниқ қўлайтирилди, аввалги нашрдаги 92 516 та ўрнига янги нашрда 95 236 та иллюстратив мисол берилди.

Хуллас, ушбу икки жилдлик “Русча-Ўзбекча луғат”дан 59 140 сўз ўрин олган (I-жиллда 31 146, 2-жиллда 27 994 сўз берилган). Луғатга А.П.Мадвалиев масъул муҳаррирлик қилган ва тузувчи сифатида иштирок этган.

Луғат кенг китобхонлар оммасига ва рус тилини ўрганувчиларга мўлжалланган. У таржимонлар ва нашриётларнинг муҳаррирлари, матбуот, радио ва телевидение ходимлари учун ҳам муҳим қўлланма бўлиб қолади.

## “БОРЛИГИНИ БИЛГАНЛАР”

Истеъодли шоир Шодмонкул Саломнинг “Юрак иклими”, “Кўнгли китоби” каби шеърый тўпламлари шеърый мухлисларига яхши таниш. Яқинда “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти шоирнинг янги шеърларидан сараланган “Борлигини билганлар” китобини босмадан чиқарди.

Таниқли шоир Эшқобил Шўқур тўпламга ёзган сўз бошида “Шеър шоир руҳидаги ҳар бир катта ҳодисанинг сўнги нуқтасидир”, — деб ёзади. — Эҳтимол, бу ҳодиса бир лаҳзалик руҳий мўъжиза бўлар, эҳтимол қирқ йиллик жараён бўлар... Агар у ҳақиқий руҳий ҳодиса бўлса, унинг яқини шеър бўлади. Шунинг учун ҳам шеърда шараф бор. Шоир қўрқмай ўзини шеърга бағишлаши керак. Зеро, унга шеър берадиган натижани бу дунёда ҳеч бир куч беролмайди”. Шоир “Онам хаста эди...” шеърини:

Қалдирғоч ин қурди курақларимга,  
Ҳолин сўролмадим мунглиг синглимни.  
Дунё кўчиб кетди юракларимдан,  
Кўнглимни асрадим, фақат кўнглимни... —  
деб ёзади.

Тўпламдан жой олган “Отанинг сояси...”, “Ватан”, “Мард”, “Алпомиш”, “Йўлни” каби кўпгина шеърлар оҳорли ўхшатиш, янги ташбеҳлар, ҳиссийёт товланишларига бой. Китобга Х. Абдуназар муҳаррирлик қилган.

### Дониш ҳамроҳ



### Соғланган — бойланган...

## ОЛМА, ЛИМОН, ЗАЙТУН

каби меваларни кўнглингиз тусаса...

Парҳезшунос гастроэнтеролог С.Бережнининг қайд этишича, одам организмда пайдо бўладиган бирор-бир хасталик у ёки бу нозматга иштаҳа кўзатиши мумкин. Бундай фикрда асосли мантиқ бор. Шифокорларнинг кўп йиллик кузатишларига кўра, таом ҳазми билан боғлиқ аъзоларда ўсма хасталиклар бўлса, гўштли таомларга иштаҳа йўқолади, бақлажон ва саримсоқ пиёз эса ошқозонда яраси бор, шунингдек, меъда шираси юқори кишиларга ёқмайди. Ҳормонларнинг бузилиши ва диабет хасталикларидан эса, ҳар нарсага иштаҳа кучнади ёки таъм билан боғлиқ майллар бутунлай ўзгариб кетади.

Ҳар бир кишида вақт-вақти билан бирон-бир мева ёки ширин, шўр ва ачмакка иштаҳа иштиёқ тугилади. Бирок кўнглингиз ҳар кунни бир хил нарсани тусаса, демек, бу танангизда энди пайдо бўлаётган бирон хасталиқдан белги бўлиши мумкин. Техас университети олимлари микозларнинг кўнглик таомлари бўйича ўтказган кўп йиллик тадқиқотлардан сўнг шундай хулосага келишди:

1. Агар олмани кўп егингиз келса қон томирларингизни текширтиришни унутманг. Масалан, олмадаги темир ва аскорбин кислотасини организм жуда яхши ўзлаштиради. Олма юрак хасталигидан азият чекадиганлар учун зарур. Бу мевани кўнгли тез-тез тусаш эса, қонда холестерин миқдори ошгани ва юракда муаммолар пайдо бўлаётганидан далолат. Танамизда бирон хасталик ёки физиологик ўзгариш бошланганда организмнинг ўзи бундан хабар бераётган бўлади. Америкалик олимларнинг таъкидлашича, одамларнинг турли хасталиклар билан боғлиқ “инжиқлик”ларини улар хуш кўраётган таомларга қараб ҳам таснифлаш мумкин. Бу таъриба касалликка ташхис қўйишда қимматли манба бўла олади.

2. Агар лимонни кўп егингиз келаётган бўлса, ўт қоғи ёки жигарда бирор муаммо тугилаётган бўлади.

3. Оқлар қарамдан қилинган салатни кўпроқ егингиз келса, бу ичаклар тизимини хасталик юз бераётгани белгиси.

4. Агар кимдир зайтун меваларини емасдан тура олмаса, демек, қалқонсимон без ҳолатига эътибор қаратиши керак.

5. Музқаймоқ ёки қаймоқли пирожнини ўта хуш кўрувчилар таънаҳ-ҳаракат аъзолари ҳолатини текширтиришлари зарур.

## Брокколи қарам, узум ва салат

Америкалик узоқ умр кўрувчилар (ёши тўқсондан ошганлар) орасида ўтказилган тадқиқотларда уларнинг брокколи қарам, узум ва салатни хуш кўриб истеъмол қилиши аниқланди. Бунинг ҳеч бир ажабланидиган жойи йўқ, дейди олимлар. Мазкур махсулотлар таркибидagi моддалар организмнинг қарши жараёнларига тўқсинлик қилиб, саломатликнинг умумий ҳолатига ноҳуш таъсир кўрсатувчи руҳий зарбалар олдини олади.

## Кечки таомда...

Семириб кетмаслик ва тунда яхши ухлаш учун рисоладагидек кечки таом қандай бўлиши керак?

— Уйкуга ётишдан уч-тўрт соат олдин, албатта, овқатланиш керак, — дейди парҳезшунос шифокор Е.Соломатина. — Бирок бу таом енгил ҳазмига ҳамда тўйимли бўлиши керак. Қўқатлар, творог, балиқ шундай таомлардир. Бирок ухлашдан аввал нимандир кўнглингиз тусаб қолса, албатта, тамадди қилиш керак, акс ҳолда оч қорин билан ётганда уйку яхши бўлмайди. Масалан, бир бўлак бугдой нонни майин пишлоқ, қўқатли салат билан ёки иккита туҳум оқини пишириб (сарғида калория кўп) эса бўлади.

Ухлашдан аввал тавсия этилмайдиган таомлар:

1. Чой, қаҳва, шоколад.

Чой, қаҳва ва қора шоколад таркибида кофеин мавжуд, у марказий асаб тизимини кўзгайди. Уйку яхши бўлмайди. Кам ухлаш эса иммунитетни пасайтириб, вазн ортишига олиб келади.

2. Барча турдаги дуккақлар.

Клетчатка ва В гуруҳидagi дармондориларга бой бўлган дуккакли ўсимликлар донидан тайёрланган таом уйкудан аввал тавсия этилмайди. Акс ҳолда метеоризм хасталиги келиб чиқади.

3. Юмшоқ пишлоқ.

Юмшоқ пишлоқ таркибида куюқлаштирувчи мураккаб моддалар мавжуд, у таом ҳазмини оғирлаштиради. Парҳезшунослар кечки таомга ёғлиликни 40 фоиздан ошмайдиган фақат қаттиқ (голланд ёки пармезан) пишлоқ навларини тавсия этишади. Унинг миқдори 50 граммдан ошмаслиги керак. Бундай пишлоқнинг нафи кўп, таркибидagi триптофан аминокислотаси мелатонин деб аталадиган уйку гормони ҳосил бўлишига ёрдам беради.

4. Қаймоқ, ширин сузма.

Булар калорияли махсулотлар бўлишдан ташқари, ўт қоғи ва меъда учун ортиқча юқдир. Унинг таркибидagi лактозаларни парчалаш кўп миқдорда ўт ширасини талаб этади.

5. Бўтқалар.

Турли бўтқалар эрталабки нонушта учун жуда яхши. Бирок оқшомги енгил тамадди учун тўғри келмайди — ҳазм жараёни узоқ давом этади.

6. Қизил гўшт.

Ухлашдан олдин бир бўлак қизил гўштни ҳатто салат билан пақос ҳам тушириш ҳам меъдага оғирлик қилади. Организм дам олиш, тикланиш ўрнига гўштни ҳазм қилишга кўп куч сарфлайди.

7. Саримсоқ пиёз, пиёз, ширинликлар.

Яхшиси, кечқурун тайёр таомларсиз тамадди қилиш керак. Қалампир, занжабил, саримсоқ, пиёз каби аччиқ нарсалар қонни ҳаракатлантириб, одамни тетиклантиради, иштаҳа очади, икки соатдан кейин кўнглингиз яна бирор таомни тусайди. Туз эса организмда сувни тутиб қолиб, эрталабага қориб шиш ҳосил қилади.

Интернет хабарларидан.

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти жамоаси «Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш» кафедраси мудири Ҳамза Шодиевга падарни бузуқворни **ХОЛИКУЛ** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ташикий кўмита.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ  
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВИ»  
АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ



**O'zbekiston  
adabiyoti va san'ati**

Манзилими: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилими:  
Котибият — 233-49-93 uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40  
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош  
муҳаррир  
Саъдулла  
ҲАКИМ



Таҳриратга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳрират нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛҲИМОНОВ  
Навбатчи муҳаррир — Азиз ИМОНОВ  
Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмасхонаси.  
Босмасхона манзили: Буюк Турки кўчаси, 41-уш

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.28

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам  
билан рўйхатга олган. Аҳди — 4214 Буюртма Г — 1244. Ҳажми — 3 бошма тибкоқ А-2.  
Нашр қўрсатқичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНАРАИ  
ЧИҚАДИ.  
СОТУВДА НАРХИ  
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X



7772181614000